



10.01.2019



Хабарингиз бор, Солиқ кодексининг 331-моддасига асосан аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламлари нотариал хизматлардан фойдаланганлиги учун давлат божини тўлашдан озод қилинган эди.

Бироқ, мазкур шахслар нотариал ҳаракатни расмийлаштирганда ҳуқуқий маслаҳат берганлик, ҳужжатлар лойиҳасини тузганлик ва мол-мулкка нисбатан тақиқ текширилганлиги учун ҳақ ундириш масаласи очиқ қолган эди.

Эндиликда 2019 йилнинг 10 январидан бошлаб аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламлари ҳамда айрим ташкилотлар нотариусга мурожаат қилганда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинди.

Ушбу ўзгартириш Президентимиз томонидан 2019 йилни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Адлия вазирининг жорий йил 9 январь кунини имзолаган буйруғига асосан татбиқ этилмоқда.

Мисол учун, бугунга қадар пенсиядаги шахс пенсия пулларини олиш учун бирор шахсга ишончнома берганда нотариуслар томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи, яъни 30 409 сўм миқдорида пуллик хизмат ундириб келинган эди.

Бундан буён, нафақадаги шахс пенсия пулларини олиш учун ишончнома берганда нотариуслар томонидан ҳеч қандай тўловлар ундирилмаслиги белгиланди.

Маълумот учун: 2018 йил давомида жами 117 102 та бундай турдаги ишончномалар тасдиқланган бўлса, ундириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатлар учун тўлов миқдори 2 млрд. 374 млн. сўмни ташкил этган.

Шунингдек, нотариал хизматлар учун тўланадиган пуллик хизмат тўловларидан озод қилинадиган шахслар тоифаларига ҳам аниқлик киритилди. Булар:

Фуқаролар:

- пенсиялар ва нафақаларни олиш учун зарур бўлган, шунингдек васийлик қилиш ва фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари тасдиқлаганда;
- мол-мулкни давлат фойдасига васият ёки ҳадя қилганда;
- Ватанни ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлган шахсларнинг мол-мулки учун мерос гувоҳномалар берганда;
- мерос қолдирувчи билан битта уйда доимий рўйхатда бўлган ва унинг вафотидан кейин ҳам шу манзилда яшаётган шахсларга мерос гувоҳномалар берганда;
- мерос қолдирувчининг интеллектуал мулк ҳуқуқлари учун мерос гувоҳномалар тасдиқлаганда;
- банклардаги омонатлар, суғурта суммалари, давлат заём облигациялари учун, иш ҳақи суммалари учун мерос гувоҳномалар тасдиқлаганда;
- пенсиялар ва нафақалар олиш учун ишончномани тасдиқлаганда;
- сурункали руҳий касалликка чалинганларнинг васийларига мол-мулкка ворислик гувоҳнома берганда;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисада вафот этган ходимнинг иш берувчи ҳисобидан суғурталанган пулига мерос гувоҳнома берганда;
- 1941—1945 йиллардаги уруш, Афғонистон Республикасида байналмилал ва Чернобиль АЭСининг авария оқибатларида қатнашган шахслар ҳамда ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган шахсларнинг оила аъзоларига имтиёзлар берилиши учун ҳужжатларнинг нусхаларини тасдиқлаганда.
- фермер ва деҳқон хўжалигида ишлаётган меросхўрларга ушбу хўжаликка тегишли мол-мулк бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганда;
- коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзларни ундириш юзасидан ижро ёзувларини тасдиқлаганда;
- муаллифлик ҳуқуқи мукофотларини ундиришга қаратилган ижро ёзувларини амалга оширганда;
- суғурта пуллари ундириш юзасидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома тасдиқлаганда.

Ташкилотлар:

- солиқ ва молия органларига давлатнинг мол-мулкига нисбатан мерос гувоҳномалар берганда;
- мактаб-интернатдаги ва ихтисослаштирилган мактаблардаги ўқувчиларнинг оналаридан мактаб таъминоти учун қарзларни ундириш бўйича ижро ёзувларини амалга оширганда.
- Жорий этилаётган ушбу янгилик аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож

– қатламларига имтиёзли тарзда нотарил хизматлар кўрсатишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги

67 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [2019 йилнинг 19 январь куни Адлия вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган хайъат мажлиси ўтказилди](#) [3]
- [Ўзбекистон Президенти “Жўшқин Гужарат” халқаро инвестиция саммитида иштирок этди](#) [4]
- [Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида](#) [5]
- [Адлия вазирлиги тизимида янги тайнловлар амалга оширилди](#) [6]
- [Севимли газетамизнинг биринчи - янги форматдаги сони нашрдан чиқди](#) [7]
- [Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди](#) [8]
- [Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва ватан химоячилари куни муносабати билан байрам табриги](#) [9]
- [Урбанизация агентлиги ҳамда Урбанизацияни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди](#) [10]
- [Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ташкил этилди](#) [11]
- [Фермер хўжаликлари ер майдонлари мақбуллаштирилади](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4489>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4489>
[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4489>
[3] <http://insonvaqonun.uz/node/4511>
[4] <http://insonvaqonun.uz/node/4509>
[5] <http://insonvaqonun.uz/node/4506>
[6] <http://insonvaqonun.uz/node/4501>
[7] <http://insonvaqonun.uz/node/4498>
[8] <http://insonvaqonun.uz/node/4497>
[9] <http://insonvaqonun.uz/node/4496>
[10] <http://insonvaqonun.uz/node/4495>
[11] <http://insonvaqonun.uz/node/4494>
[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4492>